

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)

## ОИД ШАРТНОМА № 3/22

Бухоро шаҳри

“ 11 ” январь 2022 йил

“ASIA ROYAL TOUR” ХК (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбар Ф.Шарофиддинова тимсолида бир томондан ва Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан директор Ш.А.Нуруллаев орқали, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Ўзбекистонга ташриф буюрган “Шахрисабз тарихий маркази” регенерация лойиҳасини ишлаш ҳамда ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларнинг сақланиш ҳолатини ўрганиш мақсадида Франция шаҳарсозлик институти мутахассисларидан иборат делегация аъзоларига туристик хизматларини кўрсатади (кейинги ўринларда - “Хизматлар” деб юритилади), “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1.3. “Хизматлар”ни кўрсатиш 2022 йил “31” декабргача амалга оширилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.3. Зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар”ни шунга ўхшаш “Хизматлар” билан алмаштириш;

2.1.4. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

#### 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Хизматлар” бўйича 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

#### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

#### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. “Буюртмачи” билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилгандан сўнг “Хизматлар”ни кўрсатиш;

2.4.2. “Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қонунда кўра, 15 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 37 424 727 (ўттиз етти миллион тўрт юз йигирма тўрт минг етти юз йигирма етти) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган “Хизматлар”нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.